



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 26 февраль, № 40 (4955)

Жума

## Янги корхоналарнинг беқиёс имкониятлари

енгил саноат ривожда муҳим аҳамият касб этмокда

**Мамлакатимиз иқтисодиётида енгил саноатнинг муносиб ўрни бор. Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида тизимда бутунлай янги давр бошланди.**

Заминимизда етиштирилган пахта хом ашёсини ўзимизда қайта ишлашга, четга хом ашё эмас, балки тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар сотишга эътибор кучайди. Шу мақсадда кўплаб замонавий қайта ишлаш корхоналари ташкил этилдики, бу экспортда тайёр маҳсулотлар улдушининг кўпайишига хизмат қилаяпти.

### Жараён

Бугунги кунда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси тизимида 200 дан ортиқ корхона самарали фаолият кўрсатиб келмокда. Улар орасида хориж инвестицияси иштирокида бунёд этилган корхоналар сони йил сайин ошиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир.

Таъкидлаш керакки, юртимизда қўлай сармоявий муҳит яратилганлиги туфайли чет эллик ишбилармонлар ўз инвестициясини Ўзбекистонга йўналтира бошлади. Биргина 2009 йилда 63,76 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хориж инвестицияси ўзлаштирилиб, 17 та корхона иш бошлагани бунинг далилидир. Натижада Германия, Швейцария, Жанубий Корея, Туркия сингари кўплаб чет давлатлар инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони 100 тадан ошиб кетди. Табиийки, бу мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг самарасидир.

Тизимдаги бундай ўзгаришлар хорижлик экспертлар томонидан юқори баҳоланмокда. Бу бежиз эмас, албатта. Нега деганда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг кўплаб давлатлари иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатаётган мураккаб бир шароитда енгил саноатчиларимиз қўлга киритаётган нати-



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

жалар чиндан-да диққатга сазовордир. Буни 2009 йили 136 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланиб, аввалги йилдагига нисбатан 106,2 фоиз, шунингдек, 680,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бу борада 105,1 фоиз ўсишга эришилгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Компанияда ишлаб чиқариш ҳажмининг жадал суръатларда ўсишида, хусусан, ишга туширилган янги қувватларнинг ҳиссаси катта бўлаётди. Узоққа бормаиллик. Ўтган йили 17 та корхонанинг иш бошлаши натижасида йилга қўшимча равишда 45,2 минг тонна калава ип, 1,5 минг тонна трикотаж мато, 14,2

миллион погон метр газлама, 6 миллион жуфт пайпоқ маҳсулоти, шунингдек, 100 тонна хом ипак ишлаб чиқариш имкони яратилди. Шу билан бирга, экспорт салоҳиятини 82,4 миллион АҚШ долларига оширди.

(Давоми 2-бетда).

## ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

**Кеча пойтахтимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази Германия техник ҳамкорлик жамиятининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Гёте институтининг Тошкентдаги идораси билан биргаликда "Баркамол авлод ва хорижий конституциявий-ҳуқуқий тажриба" мавзусида давра суҳбати уюштириди.**

Баркамол авлод йилига бағишланган мазкур тадбирда мамлакатимиз парламенти аъзолари, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ходимлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди. Давра суҳбатида таъкидланганидек, мамлакатимизда эртамиз эгалари

### Тадбир

— ёш авлод ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, уларга ўз иқтидор ва истеъдодларини рўйбга чиқариш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилмокда. Хусусан, Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига қўшилган, мамлакатимизда "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб,

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги

Мамлакатимизнинг Туркменистондаги элчихонасида айнан шу мавзуга ва Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган ташаббусларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Туркменистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда Ашхобод шаҳрида аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялари раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.

Брифинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йилда Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг йиғилишида сўзлаган маърузаси ва мамлакатимиз раҳбарининг ушбу ташкилотга Ўзбекистоннинг раислик қилиши даврида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган ташаббуслари билан батафсил таништирди.

Иштирокчилар эътибори Ўзбекистон Президентининг ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, Ташкилотнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш каби ташаббусларига қаратилди. Брифинг қатнашчилари Ўзбекистон томонидан ШХТнинг раиси сифатида Ташкилот самарадорлигини янада ошириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлари юксак баҳолади. Хусусан, **Хитойнинг Туркменистондаги элчиси**

**У. Хунбинь** Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нафақат минтақада, балки глобал миқёсда ҳам изчил ва тобора обрў қозониб бораётган халқаро ташкилотлардан бири эканини қайд этди.

— Бундай ижобий аъналар замирида давлатлар ўз олдига қўйган вазифаларга нисбатан ушбу ташкилот барча аъзоларининг ягона қарашлари ва ёндашувлари ётади. ШХТ давлатлари хавфсизлик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш соҳалари каби муҳим йўналишлар бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг тарафдори эканликларини намоён этишмокда, — деди хитойлик дипломат.

— Амманки, Ўзбекистоннинг ШХТда раислиги Ташкилотнинг янада мустаҳкамланишига кўп томонлама хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан таъкидланган ташаббуслар, шубҳасиз, ШХТнинг маъжуд салоҳиятидан тўла фойдаланишга ва унинг самарадорлигини оширишга кўмак беради. Шу маънода, транспорт-коммуникация соҳасини янада ривожлантиришни ку-

чайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Бугун Ўзбекистон Е-40 Транссиёв авто-трассасини қуриш ва таъмирлашни амалга ошириш лойиҳасини биринчилардан бўлиб нияоясига етказди. Ушбу магистралнинг фойдаланишга топширилиши ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги товар айланмасининг бир неча бор ошишига ва маданий-гуманитар алоқаларини ривожлантиришга зарур шарт-шароитни юзага келтиради.

**Руминиянинг Туркменистондаги элчиси Р. Хорумбунинг** фикрига кўра, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги кейинги йилларда аҳамияти тобора ортиб бораётган ушбу нуфузли ташкилотнинг ривожланишига муҳим туртки бериши керак. "Ўзбекистон томонидан киритилган тақлифлар ва ташаббуслар бугунги шароитда ШХТнинг янада тараққий этиши учун жуда долзарб ва зарурдир", дея таъкидлади у.

БМТнинг томонлар ўртасидаги зиддиятчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича дипломатик ҳаракат ташкилотининг Марказий Осиёдаги Минтақавий маркази сиёсий масалалар бўйича

маслаҳатчиси **А. Пуполсон**нинг қайд этишича, Ўзбекистоннинг ШХТнинг халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ билан алоқаларини ўрнатish ва ривожлантириш борасидаги нуктаи назари тўғри ёндашувдир.

— Бундай интилиш бугунги воқеалик тўлалигича мос келади ва нафақат минтақада, балки бутун дунёда хавфсизлик ҳамда барқарорликни сақлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга йўналтирилган. Шу маънода, Ислам Каримовнинг Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш борасидаги ташаббуслари ва Ўзбекистон томонидан ушбу мамлакатта ёрдам тадбирларининг амалга оширилиши алоҳида эътиборга сазовордир. Мен Ўзбекистон Президентининг афғон муаммосини фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрларига қўшилман. Ушбу вазиятни тартибга солишга жалб этилган барча давлатлар Президент Ислам Каримов айтиб ўтганидек, Афғонистонга, биринчи галда, иқтисодий, иқтисодий ва гуманитар ёрдам кўрсатиш зарурлигига жиддий эътибор қаратишлари лозим, — дея таъкидлади эксперт.

**«Жаҳон» АА.** Ашхобод

## ЭЪТИБОР, ТАШАББУС, ИНТИЛИШ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида фермерлик ҳаракати аграр секторнинг етакчи қучига айланмокда. Зеро, фермерларимизнинг нафақат ишининг кўзини, ернинг тилини биладиган миришкор деҳқон, балки билимдон мутахассис, тадбиркор сифатида ҳам эътироф этилаётгани бежиз эмас.**

Масалан, ҳозирги кунда "Чашмаи сафед", "Тўхтаниёз ота", "Истиклол-Гўзал Шукурова", "Озод", "Тайимбет" "Сурхон воҳаси" сингари фермер хўжалиқларининг номи бутун республикамизда машҳур. Қувонарлиси, бундай мулкдорларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб, улар тайёрлаётган гўшт, сут, ун ва макарон сингари маҳсулотлар ўзининг юқори сифати, замонавий қадоқланиши билан хориж маҳсулотларидан асло қолишмаяпти.

Уларнинг иш жараёни тобора тақомиллашмокда, жойларда идиш ва қадоқлаш материаллари билан таъминлаш, транспорт, ахборот таъминоти ва консалтинг, зооветеринария хизматлари кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, нефть ва минерал ўғитларни сотиш шохобчалари сингари бир қатор инфратузилмалар мунтазам иш-

лаб турибди. Молия муассасалари томонидан имтиёзли тарзда кредит маблағлари ажратилаётди. Бу эса, ўз навбатида, мулкдорларимизни янги марралар сари етакляпти.

— Бизларга яратиб берилаётган мана шундай шароит ҳамда имкониятлар фаолиятимизни тобора ривожлантираётгани айни ҳақиқат, — дейди қўшработлик фермер Самад Нарзуллаев. — Ўзимиздан қиёс. Боғдорчиликка ихтисослашган хўжалигимизда дастлаб фақат маҳсулот етиштирган бўлсак, эндиликда уни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйдик. Яъни ўтган йили банкдан олинган кредит эвазига хориждан замонавий технология олиб келиб ўрнатдик. Унинг ёрдамида ҳафтасига 25 тонна мевани қадоқлаш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

### Бир рақам шарҳи

2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун

## ИҚТИСОДИЁТ ҚУДРАТИ

3 миллиард АҚШ долларида зиёд хорижий сармоя жалб қилинади.

Чунночи, Тошкент, Навоий, Толлимаржон иссиқлик электр станцияларида буғ-газ мосламаларини қуриш, Устуртда полиэтилен ва пропилен ишлаб чиқарадиган газ-кимё мажмуасини барпо этиш, поливинил ва каустик сода ишлаб чиқарадиган янги комплекс ташкил этилишига қаратилган йирик лойиҳалар рўйбга чиқарилиши, шак-шубҳасиз, иқтисодиётимиз асосларини янада қудратли қилади.

### МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**СИРДАРЁ.** Ўтган йилда вилоятда 11 километр узунликда янги қувурлар тортилиши ҳисобига 26 та аҳоли пунктида яшовчи 35,7 минг аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

### Сув таъминоти яхшиланди

Бундан ташқари, 35 та қишлоқда 55 километрлик сув қувурлари алмаштирилди. Айтиш лозимки, 2009 йилда вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадлари учун турли манбалардан 1 миллиард 456 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

**Ш. ХОЛМУРОВОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### Икки ҳисса ўсиш

**НАВОЙЙ.** Қизилтепа туманидаги "Аква-Тўдакўл" қўшма корхонасида 900 миллион сўмлик сармоя эвазига балиқ чавақларини етиштирувчи янги цех ишга туширилди.

Шунингдек, Тайвань ва Германиядан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида балиқларга озуқа бериш автоматик тарзда амалга оширилмокда. Бу эса ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олаяпти. Шу каби амалга оширилган модернизация ишлари туфайли корхонада балиқ етиштириш ҳажми икки баробарга ортиб ҳамда 40 та янги иш ўрни яратилди.

Айтиш лозимки, корхона жамоаси яқунланган йилда эл дастурхонига 800 тонна "Луқмаи ҳалол" тортиқ қилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА

**ХОРАЗМ** вилоятидаги "Урганч ёё" очик акциядорлик жамиятида янги технологик линияни ишга тушириш борасида кенг қўламли иш олиб борилокда.

Умумий қиймати 6,7 миллиард сўмга тенг бўлган мазкур лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, корхона томонидан ўсилаётган гидрогенерациялаш йўлга қўйилади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилда мазкур лойиҳа доирасида хориждан замонавий технологиялар олиб келиниб, корхонада 2 миллиард 500 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг январь ойида шу мақсад учун 150 миллион сўм маблағ сарфланди.

Янги технологик линия шу йилнинг иккинчи чорагида тўлиқ ишга туширилади.

**Фахриддин КАЛОНОВ.**



Юртбошимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида "Фаргоназот" очiq акциядорлик жамиятида амалга оширилган ишлар ҳам илиқ сўзлар билан тилга олинди.

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛИ

Дарҳақиқат, нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёдаги йирик кимё корхоналаридан бири бўлган мазкур очiq акциядорлик жамияти ўзининг янги жўшқин ҳаётини бошлаётганлиги десак, ҳеч муболага бўлмайди. Чунки собиқ иттифок даврида корхона тўхтовсиз ишлатилди. Корхона модернизация қилиш, техник ва технология логик янгилаш бўйича бирор бир жиддий ишлар амалга оширилмади. Лекин бу ерда ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар, турли концентратлари талаб қилиш эса сира тўхтамади.

Голландиянинг "Станикарбон" фирмаси технологияси асосида карбамид тайёрлаш цехи тўлиқ модернизация қилинди. Ҳозир цехда бундан икки йил аввалги кўрсаткичга нисбатан уч баравар кўп — 330 минг тонна карбамид ишлаб чиқариляпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинапти.

## Ислохот

Аммиак ишлаб чиқариш цехини қайта мо­дернизация қилиш, корхонада қишлоқ хўжалиги учун гоят муҳим дефолиантлар — хлорат-натрий ва хлорат-магний маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини берди. Бу маҳсулотларга хориждаги илмий текшириш институтлари, кимё лабораторияларида ҳам юқори баҳо берилди.

Мухими, экспортга мўлжалланган, импорт ўрнини босадиган бу маҳсулотлар ҳақон бозорда ҳам бемалол рақобатлаша оляпти. Бундай янгилашлар вилоятдаги бошқа корхоналарда ҳам муваффақиятли амалга оширилганлиги ўз самарасини кўрсатмоқда. Ўтган йили вилоятда 26 та корхона тўла реконструкция ва модернизация қилинди. Шунинг ҳисобига 12 мингта янги иш ўрни яратилди имконияти туғилди. Бу йил вилоятнинг 4 та шаҳар ва 15 та туманидаги ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари, имкониятлари, фаолият кўрсатаётган дастгоҳларнинг маънавий эскирган-эскирмаганлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўрганиб чиқилди. Биргина Қўқон шаҳрида жорий йилда 13 та корхона реконструкция қилинади. 27 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бу эса 11 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


# ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Айниқса, ёш авлодни соғлом ва жисмонан етук қилиб тарбиялашда уйд босқичли умуммиллий спорт ўйинлари айна мудоао бўлаётгани иштирокилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Шу билан бирга, фарзандларимизни ҳар томонлама комил инсон қилиб вояга етказишда халқаро тажрибаларни пухта ўрганишнинг аҳамияти беқиёслиги тадбир қатнашчилари томонидан кўч этилди. Бу борада Германия қонунчилиги ҳақида ҳам атрофича ахборот берилиб, уларнинг ўзига хос жиҳатлари тилга олинди.

Қ. ХИДИРОВ.

Қишлоқлар жамоли — Ватан кўрки, уларнинг ободлиги юрт файзиёблигини оширади. Кейинги пайтларда бу гўшаларда бунёдкорлик юмушларининг янада қулоқ ёйгани, хусусан, замонавий тураржойлар қурилиши кенг авж олгани кишига қувонч бағишлайди.



# ЗАМОНАВИЙ ТУРАРЖОЙЛАР ҚИШЛОҚЛАР ҚИЁФАСИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРМОҚДА

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, айтиш кераки, бу борада янги босқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжат асосида тикланаётган янги тураржой даҳалари Наманган вилоятида ҳам кўпайиб бормоқда.

канализация сингари коммуникация воситалари билан жиҳозланган бу бинолар шаҳарнинг кўп қаватли замонавий тураржойлари билан бемалол баҳслаша олади. Лойиҳада хонадонда қорвачиликни йўлга қўйиш учун зарур бўлган молхона, узумзор учун сўриток ҳам киритилган. Бошқа жиҳати, янги даҳани тиклаш жараёнида ҳудуд аҳлига хизмат қиладиган қундалиқ эҳтиёж моллари дўкони, дорихона ва бошқа турдаги сервис шохобчалари ҳам барпо этиляпти. Машиналар физ-қават катнаб турган автомобиль йўли кенгайтирилиб, ёритиш чироқлари билан жиҳозланди, икки четига арча қўчатлари ўтказилди.

## Озод юртнинг обод уйлари

— Наманган туманининг яна бири қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори, айтиш кераки, бу борада янги босқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжат асосида тикланаётган янги тураржой даҳалари Наманган вилоятида ҳам кўпайиб бормоқда.

## Андижон томонларда

Олтинқўл туманидаги "Фикентекс" хорижий корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бу ерда сифатли толадан тўқилаётган пайпоқлар ички бозорда харидоригр бўлиб бормоқда.

## Дастур ижроси — амалда

Яқунланган йилда корхона жамоаси 120 миллион сўмлик тайёр маҳсулот чиқарди. Янги қувватларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига корхонада йилга 600 минг жуфт пайпоқ тўқиш имконияти юзага келди.

Умуман, вилоятда ўтган йили Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида 136 та янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди.

## «Зангори олов» тафти

Хўжаобод туманида 5,1 километр масофага газ қувири тортилиши натижасида Дилқушод ва Қувватмурод қишлоқлари хонадонларига «зангори олов» кириб келди.

Шу таразда тумандаги барча қишлоқлар газ билан тўлиқ таъминланди. Айтиш лозимки, яқунланган йилда вилоятда 127,2 километр узунликда қувар тортилиб, 11 минг 351 хонадонга табиий газ етказиб берилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ЯНГИ КОРХОНАЛАРНИНГ БЕҚИЁС ИМҚОНИЯТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бухоро шаҳридаги "Daewoo Textile Buxara" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хориж корхонаси — янги қувватлардан бири. Мазкур корхона Корея Республикасининг "Daewoo International Corporation" компанияси таъсисчилигида ташкил этилган. Эътиборлиси, у корейлик инвесторлар иштирокида ўтган йили рўёбга чиқарилган иккинчи йирик лойиҳадир.

Хорижнинг энг замонавий тўқимачилик дастгоҳлари билан жиҳозланган бу корхонада йилга салкам 20 минг тонна пахта толаси қайта ишланиб, қарийб 17 минг тонна қалава ип тайёрланади. Маҳсулотнинг асосий қисмига хорижликлар харидор. Умуман олганда, ўтган йили Андижон, Фаргона, Наманган, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимизда фойдаланишга топширилган корхоналар маҳсулотларининг 80-90 фоизи экспорт қилинаётгани эътиборга моликдир.

Аслида, енгил саноатчиларимиз маҳсулотларига хорижда талаб ҳар доим юқори бўлган. Буни соҳа мутахассислари ўзбек пахта толасидан тайёрланган халқ истеъмолчи молларининг рақобатбардорлиги билан изохлашади. Шу боис дунё бозорига унга эҳтиёж глобал инқироз даврида ҳам сезиларли даражада пасай-



мади. Ўтган йили 385,2 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинган шундан далолат беради. Эътиборлиси, маҳсулотимизни импорт қилувчи давлатлар сафи йил сайин кенгайиб бораётди. Улар орасида, жумладан, Европа Иттифоқи ва Ҳамдўстлик давлатлари, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Хиндистон ва Бирлашган Араб Амирликлари бор.

Тизимда инвестиция лойиҳаларининг жадал ўзлаштирилиши янги иш ўринлари яратилишига, бу эса аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қиладигани билан ҳам аҳамиятлидир. Ўтган йили инвестиция лойиҳалари шарофати туфайли 3779 та

янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, касаначилик асосида яратилган жами иш жойлари 6 миңга етказилди. Демак бу — шунча одам ишга жалб этилаб, рўзгорига барака кирди, деганидир. Агар енгил саноат тизимини, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилиши инобатга оладиган бўлсақ, унинг аҳамияти янада салмоқли эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

"Ўзбекингилсаноат" компаниясида Маҳаллийлаштириш дастурининг ижроси бўйича ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2009 йилда ушбу дастур доирасида 15 та лойиҳа рўёбга чиқарилди. Натихада кўплаб янги турдаги маҳ-

сулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу эса йил охиригача 14 миллиард 23 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини яратдики, бозорларимиз арзон ва сифатли матолар, кийим-кечақлар билан янада бойиди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда пухта ўйланган ислохотларнинг изчил амалга оширилиши, жумладан, енгил саноат тармоғининг жадал ривожланишида ҳам намоён бўлиб, иқтисодий-иқтисодий тобора мустақамланишини таъминлаётгани.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фермерлик ҳаракати хусусида гап кетганда, республикамизда бир неча йиллардан буюн аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ўзбекистон Агроминтех Экспо" кўрғазма-савдоларини алоҳида айтиб ўтмоқ жоиз. Негаки, аллақачон ичмам ускуналар ва минитехнологиялар бозорига айланиб улгурган мазкур тадбир туфайли фермерларимиз билан бевосита хорижий ҳамкорлар ўртасида шартномалар тузилиб, замонавий техника ва технологиялар харид қилинапти. Жумладан, ўтган йилги кўрғазма-савдода миңлаб фермерлар иштирок этиб, 566 та лойиҳа бўйича шартномалар имзоланди. Йил якунига келиб эса, 33,4 миллиард сўмлик 512 та лойиҳа ишга туширилди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда республикамиздаги 80 миңдан ортиқ фермер ўҳжалиги 5 миллион 824 миң гектар ер майдонида фаолият юрятапти. Уларнинг 41 миң-

# ЭЪТИБОР, ТАШАББУС, ИНТИЛИШ

дан ортиғи пахта ва галлачиликка, 22 миңдан кўпроғи узумчилик ва бодирчиликка, 4 миңдан зиёди сабзавотчилик ва полиз маҳсулотлари етиштиришга, 6 миңдан ортиғи қорвачиликка, 6 миңдан кўпроғи эса бошқа соҳаларга иктисослашган.

Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганга қарамай, ҳам ашё экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ кўтулиб, тайёр рақобатбардор маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш, бунинг учун эса шарт-шароитлар етарли.

Қудратилла НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дилшод УЛУМҲУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ЭЗГУЛИК БАРАКАСИ

Мамлакатимизда, шу жумладан, Навоий вилоятида ҳам аҳолининг озиқ-овқат, хусусан, қорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётди.

— Президентимизнинг 2006 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида қорва моллар кўпайтириши рағбатлантириши кўчатириш ҳамда қорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, — дейди хатирчилик фуқаро Хусниддин Сафаров, — айниқса, қишлоқ аҳолисининг иқтисодий салоҳиятларини юзага чиқаришда жуда кўл келди. Менга ҳам "Истиклол 20 йиллиги" фермер хўжалиги ҳисобидан бепул бир бош зотдор соғин сизир берилган эди. Ўтган мuddатда уларнинг туёқ сони кўпайиб, рўзгоримиздаги қорамоллар

сонини уч бошга етди. Оқлик бор уйда соғилқ бор. Шу сизир туфайли хонадонимизда кут-барак кириб келди. Ушбу қарорга биноан, Хатирчи туманида ибратли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида ҳудуддаги кам таъминланган кўп болали оилаларнинг 220 нафарига ҳомийлар томонидан қорамоллар совға қилинди. Тумандаги бандликка қўмақлашувчи марказ доимий равишда бу борада ўзига хос мониторинг ўтказиб келинмоқда. Ана шундай қузатувларда Холмурод Эргашев, Наби Жумаев, Жамила Турниёзова, Фарход Тилияев сингари фуқаролар ўзларига берилган қора

молларнинг парваришини яхши йўлга қўйганлиги маълум бўлди. — Ўтган йили, — дейди Хатирчи туман бандликка қўмақлашувчи марказ директори вазифасини бажарувчи Зокир Қаршиев, — ходимларимиз

## Қарор ва ижро

1300 бош қорамол бор хонадонларга кириб, ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бердилар, 1140 нафар фуқарога меҳнат дафтарида очилди.

Бундан ташқари, тумандаги кам таъминланган оилаларга қорва мол сотиб олишга қўмақлашувчи давлат жамғармаси томонидан белгиланган дастурга асосан 39 та субъектга 45,7 миллион сўмлик имтиёзли кредит аж-

ратилиб, 37 та янги иш ўрни яратилди. Вилоятдаги қишлоқларда қорва молларини боқиш билан шуғулланаётган 4404 нафар фуқаро бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига меҳнат дафтарида очилган ёки юритиш тўғрисида аризалар бериши. Ажратилган қорамолларни яхши парвариш қиладиган фуқароларнинг 214 нафарига меҳнат дафтарида очилди. Шунингдек, ўтган йили вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудда яшовчи кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 971 тасига ҳомийлар томонидан бепул қорамол ҳада этилди. Дарвоқе, вилоят Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш Бош

бошқармасининг иш билан таъминлашга қўмақлашиш давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари орқали 246 та кам таъминланган оиллага қорамол сотиб олиш учун 301,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратиб берилган. Президентимизнинг ушбу ҳаётбахш қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг манзилли рўйхати аниқланиб, уларга бепул қорамол ажратиш мақсадида ҳомийлар базаси шакллантирилди. Шунингдек, вилоятда ушбу қарор асосида қорвачилик, балиқчилик, паррандачилик ва асаларчиликни ривожлантириш мақсадида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилган ва уларнинг ижроси босқичма-босқич таъминланаётди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**24 соат ичида**

2009 йилда дунё бўйича савдо-сотиқ ҳажми олдинги йилдагига нисбатан 12 фоизга пасайган.

**Савдо ҳажми пасайган**

Бу ҳақда Бутунжаҳон савдо ташкилоти томонидан маълум қилинди. Мазкур салбий ҳолатнинг асосий сабаби, шубҳасиз, глобал молиявий-иқтисодий инқироздир. Масалан, биргина Европа Иттифоқига аъзо давлатларда ўтган йили экспорт кўрсаткичлари 16 фоизга тушган.

Эслатиб ўтамиз, ташкилот мутахассислари савдо-сотиқ ҳажмида савдо миқдори 10 фоизга қисқариши мумкинлигини тахмин қилишганди.

**Никарагуада зилзила**



Никарагуанинг гарбий қирғоқларида Рихтер шкаласи бўйича 5,9 балли зилзила рўй берди, дейилади "Рейтер" ахборот агентлиги хабарида.

Табиий офат маркази мамлакат пойтахти Манагуадан 120 километр узоқликда қайд этилган. Никарагуа ҳукумати аҳолини саросимага тушмасликка чақирди. Ҳозирча қурбонлар ва талафотлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

**Ноилж қарор**

Франциянинг "Carrefour" савдо тармоғи шу йилнинг июнига қадар Бельгиядаги 21 та дўконини ёпишга қарор қилди.

Булардан 14 таси гипермаркетдир. Жами 1670 нафар ходим ўз вазифасидан озод этилади. Бундан ташқари, "Carrefour" ушбу мамлакатнинг "Mestdagh" компаниясига 17 та супермаркети ва 3 та гипермаркетини ҳам сотиши мумкин.

Мутахассислар савдо тармоқлари ўртасида юзага келган кучли рақобат "Carrefour" фаолиятига салбий таъсир кўрсатгани учун унинг мутасаддилари шундай йўл тутишга мажбур бўлаётганини айтишмоқда.

**Дельфин ҳамласи**

АҚШнинг Орландо штатидаги "SeaWorld" денгиз жониворлари марказида ўтказилаётган дельфинлар шуюсида бахтсиз ҳодиса содир бўлди.



Гап шундаки, "Тилликум" лабали дельфин қўтилмаганда ўз эгасига ҳамла қилган ва унинг ўлимига сабаб бўлган. Воқеани бевоқиф кузатганлар фалокат бир зумда рўй берганини таъкидлашмоқда. Ушбу жонивор марказга 1992 йилда олиб келинган экан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



**Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини ошириш ҳамда ички бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда бу соҳани ривожлантиришга иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда, яъни тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки ҳам ўз маблағ ва хизматлари билан фаол иштирок этмоқда.**

**«Ўзмиллийбанк»:**

**КИЧИК БИЗНЕСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯЛАР**

мактаб анжомлари ишлаб чиқаришни кенгайтирган «Стеклопластик» очик акциядорлик жамияти фаолияти яққол мисол бўла олади.

Шу ўринда Миллий банк томонидан Ислоҳ тараққиёт банки (ИТБ), Хитой давлат тараққиёт банки (ХДТБ), Корея Эксимбанки каби хорижий банклари, шунингдек, бир қанча бошқа молия муассасаларининг кредит йўналишларини ўзлаштириш асосида лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан аниқ манзилли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз. Бирок табиийки, кредит йўналишларининг ўзига хос хусусиятлари бор. Масалан, ИТБ йўналиши бўйича ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ривожлантириш учун технология усуулари лизинг асосида тақдим этилаёпти. Ушбу хизмат турига,

айниқса, қишлоқ жойларда талаб катта. Аниқроғи, фермер ва деҳқон хўжаликлари лизинг хизматида фойдаланиб, қишлоққа саноатни олиб кираётгани диққатга сазовордир.

**Молия муассасаларида**

Умуман олганда, банк томонидан хорижий кредит йўналишларининг маблағлари ҳисобидан молиялаш учун қиймати 507,9 млн. АҚШ долларига тенг 237 та лойиҳа танлаб олинган. Улар бўйича бериладиган кредитлар ҳажми 305,2 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Унинг доирасида 2009 йилнинг ўзига қиймати 30,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган 44 та лойиҳа молиялаштирилди. Хусусан, 6,9 млн. АҚШ долларини импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга, 4 млн. АҚШ долларини экспорт-

боп маҳсулотлар тайёрлашга, 8,8 млн. АҚШ доллари замонавий техника ва усқунлар сотиб олишга, 3 млн. АҚШ доллари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 2,4 млн. АҚШ доллари қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга, 5,4 млн. АҚШ доллари эса чанқовбосди ичимликларни қадоқлашга йўналтирилди.

рилаётгани сўзимиз исботидир. Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар беришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилган. Бу эса соҳа ривожига рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Бинобарин, микрокредит ажратиш Миллий банк молиявий хизматларининг

ажралмас қисми ҳисобланади. 2009 йилда банк бўлимлари ва филиаллари томонидан жами 30,8 млрд. сўмлик 4,2 мингдан зиёд микрокредитлар берилган бунинг ёрқин далилидир.

Мазкур маблағлар ҳисобига кўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, ички бозор импорт ўрнини босувчи моллар билан тобора бойиб бормоқда. Энг асосийси, чекка ҳудудларда ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси такомиллашиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилаёпти. Шу тариқа аҳолининг бандлик даражаси ошириш, турмуши фаровонлашиб бораётди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг иқтисодий юксалишига хизмат қилмоқда.

«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.

**Санъат Ёш мусаввирлар кўргазмаси**

**«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейида ёш мўйқалам устасларининг кўргазмаси ташкил этилди.**

Унда бир қатор касб-хунара коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг тасвирий санъат соҳасидаги машқлари намойиш этилди.

Кўргазмадан ўрин олган асарларда юртимизнинг бетакрор манзаралари, ёшлиқнинг завқли онари, Ватанга муҳаббат мавзулари устуворлик қилади. Айтиқса, Наманган санъат коллежи талабалари Б. Мамаатқонов, Л. Шермирозев ҳамда С. Алижоннинг асарлари кўргазмага ташиф буюрганларда илқ таассурот қолдириди.

Н. КУДРАТОВ.

**АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ БОШ МЕЗОН**

**Мамлакатимизда сервис соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар аҳолининг қатор замонавий хизмат турларидан тўлиқ ва тезкор равишда фойдаланишлари учун имконият яратмоқда.**

**Хизмат**

Муҳими, ҳозирда бундай қулайликлар юртимизнинг энг олис ва чекка ҳудудларини ҳам қамраб олаёпти. Таъкидлаш жоизки, бу борадаги ишларни жонлантиришда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал вазифасини ўтаётди.

«Қорақалпоқавтотехизмат» очик акциядорлик жамияти ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадига ўз фаолиятини кенгайтириб, автотранспорт воситалари учун сервис хизмати кўрсатиш сифатини ях-



шилашга, жойларда ўз шохбчалари ва техник хизмат мажмуалари фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, ўтган йили корхонанинг 110 нафардан иборат жамоати томонидан автотранспорт воситаларига 212 миллион сўмдан

зиёд пуллик хизмат кўрсатилди. Шунингдек, қарийб 476 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар миқозларга етказилди. Бинобарин, корхона томонидан харидорларга етказиб берилган автомобиллар сони 3090 тани ташкил этди. Натихада жамият ўтган йилни юқори

иқтисодий кўрсаткичлар билан яқунлаб, 335 миллион сўмдан ортқ соф фойдага эришди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: корхона фаолиятдан лаҳза. Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

**Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида энг чекка ҳудудлардаги тиббий муассасалари ҳам замонавий усулда жиҳозланиб, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофазат қилиш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилмоқда.**

**Тиббиёт**

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофазат қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳақда ўша йил 1 июлдаги 2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив сало-

матлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорларнинг ижроси юзасидан Сурхондарё вило-

— Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё вилояти филиалига 93 миллион сўмликдан зиёд беш илқ турдаги замонавий тиббий усқунлар келтириб ўрнатилди, — дейди Т. Арзиқулов. Шундан иккита замонавий гемодиализ усқунаси, айниқса, воҳа аҳолининг мушкуллини осон, оғирини енгил қилди. Гап шундаки, илгари бу хилдаги дастурулаштирилган диализ муолажалари учун беморнинг Тошкент, Самарқанд ёки Жиззах шаҳарларига боришига тўғри келарди. Бу эса, табиийки, вақт ва

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар ҳамда бошқа бир қатор Фармон ва қарорлар вилоятда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббий маданиятни шакллантириш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, репродуктив саломатлигини таъминлаш синг-

ри эзгу ишларда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Улар ижросини таъминлаш юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда бошқа тегишли ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида тегишли чора-тадбирлар ишга чиқилган.

Ўтган йили Сурхондарёдаги тиббиёт муассасалари, хусусан, туғуруқ мажмуаларини қайта таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ҳомий ташкилотлар, тадбиркор ва ишбилармонлар маблағи ҳисобидан туманлардаги туғуруқ мажмуаларида 633 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Масалан, Саросиё тумани туғуруқ мажмуасида 290 миллион сўм, Шўрчи тумани туғуруқ мажмуасида 89 миллион сўм, Олтинсой туманида 69 миллион сўм, Денов туманида 43 миллион сўм, Узун туманида эса 36 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

қўшимча харажати талаб қиларди. Эндликда барча кўриклар ўзимизда бажарилади.

Шунингдек, ўтган йили Япония ҳукуматининг беғараз кўмаги билан ажратилган грант ҳисобидан Бойсун тумани тиббиёт бирлашмасига умумий қиймати 85 миң АҚШ долларига тенг булган тиббий жиҳозлар, замонавий текшириш усқуналари ўрнатилди.

Тиббиёт ходимлари томонидан вилоятда туғиш ёшидаги 523 миң 347 нафар аёлнинг деярли ҳаммаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Экстрагенитал касалликлар анкиланган аёлларни амбулатор ва стационар шароитларда соғломлаштириш чоралари қўрилди.

Соғлом авлод — келажакимиз пойдевори. Ана шу пойдевор мустаҳкамлигини таъминлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Ҳанифа ШАМШИЕВА.

**СИҲАТ-САЛОМАТЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ**

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар ҳамда бошқа бир қатор Фармон ва қарорлар вилоятда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббий маданиятни шакллантириш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, репродуктив саломатлигини таъминлаш синг-

ри эзгу ишларда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Улар ижросини таъминлаш юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда бошқа тегишли ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида тегишли чора-тадбирлар ишга чиқилган.

Ўтган йили Сурхондарёдаги тиббиёт муассасалари, хусусан, туғуруқ мажмуаларини қайта таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Ҳомий ташкилотлар, тадбиркор ва ишбилармонлар маблағи ҳисобидан туманлардаги туғуруқ мажмуаларида 633 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Масалан, Саросиё тумани туғуруқ мажмуасида 290 миллион сўм, Шўрчи тумани туғуруқ мажмуасида 89 миллион сўм, Олтинсой туманида 69 миллион сўм, Денов туманида 43 миллион сўм, Узун туманида эса 36 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Статистика давлат департаменти томонидан «Пахтабанк» акциядорлик-тижорат банкнинг Чилонзор филиали номига 2002 йил 20 декабрда берилган № 18-44-15-4545 тартиб рақамли Гувохўнома йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Ташкилот пул ўтказиш йўли билан илқ пайпоқ (носски) сотади (терминал бор). Калава илқ (пряжа) олами. Мурожат учун тел.: (+9989) 799-76-66, 332-63-64.

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги профессор-ўқитувчилар лавозимларига шартнома асосида танлов эълон қилади:**

- Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси: **доцент, ассистент.**
- Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси кафедраси: **ассистент.**
- Органик кимё ва асосий органик синтез технологияси кафедраси: **доцент, ассистент.**
- Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси: **доцент, ассистент.**
- Аналитик кимё ва нодир металллар технологияси кафедраси: **доцент, катта ўқитувчи.**
- Саноат экологияси кафедраси: **ассистент.**
- Технологик жараёнлар ва қурилмалар кафедраси: **катта ўқитувчи, ассистент.**
- Умумий кимё кафедраси: **ассистент.**
- Биотехнология кафедраси: **доцент, катта ўқитувчи.**
- Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув кафедраси: **доцент.**
- Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси: **катта ўқитувчи, ассистент.**
- Касб таълими кафедраси: **ассистент.**
- Тиллар кафедраси: **ўқитувчи.**

Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси: **доцент.**  
Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси: **доцент.**  
Физика ва электротехника кафедраси: **катта ўқитувчи, ассистент.**  
Механика асослари ва муҳандислик графикаси кафедраси: **катта ўқитувчи, ассистент.**

Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар газетда танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан қабул қилинади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими. Телефон: (8-371) 244-79-31.

**Изланиш**

**Баҳмал туманидаги чорвачиликка ихтисослашган «Рўзи бобо» фермер хўжалиги раҳбари Сафарали Маматов ўз маблағи ҳисобига сутни қайта ишлайдиган корхонани ишга туширди.**

**Жойида қайта ишланади**

Айни пайтда бу ерда ойига 4 тоннагача сут қайта ишланиб, 6 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Фермер хўжалиги фаолияти кенгайтириш ҳисобига қўшимча 12 та иш ўрни яратилди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Ташкилот «MOTOROLA», «VERTEX», «ASELSAN», «POSBON» радиостанциялари, телефон аппаратлари, тезкор алоқа пультаари, станциялари, сигнал-овоз кучайтириш мосламалари учун эҳтиёт қисмлар ва жамламалар етказиб бериш бўйича таклифларни қабул қилади.**

Маълумот учун телефон: (8-371) 233-44-78.

Ўзбекистон давлат санъат институти жамоаси институт ахборот-ресурс маркази директори Зарима Аббосовага умр йўлдоши

**Аброр АББОСОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати ва бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси ахборот-ресурс маркази директори Дурдона Комиловага онаси

**ЗОҲИДА АЯНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори спортга қаратилган юсак эътибор тўғрисида қўллаб-қувватлаётган ҳақиқат. Ана шундай ғамхўрликлардан баҳраманд бўлиб, жисмоний етуқлиги ва қобилияти билан муҳлису мутахассисларда илқ таассурот қолдираётган умидли спортчиларимиздан бири Баҳодир Насимовдир.**

Хар икки дебютда гол ҳам сафар ўйинида рақиб дарвозасига йўланган. "Бунёкор"дан олган тақлифи эса футболчи учун навбатдаги юксалиш погонаси бўлди, десак муболага эмас. У мамла-

клублари дарвозаларига бешта гол киритган футболчи "Харидор"лар кўпайиб қолди. Улар орасида "Локомотив", "Динамо", ФК "Москва", "Рубин", "Амкар", "Алания", "Кубань" ва "Пюник" каби клублар бор эди. Бундан

кекди. Бу вақт мобайнида у Европанинг етакчи клубларидан бири бўлишга интилаётган мазкур жамоанинг асосий таркибидан муким ўрин эгалласа, келишув муддати янада узайтирилиши мумкин. Баҳодирнинг қозон-

лар либосини кийганида 16 ёшда бўлишган. Бу ўшақшлик Баҳодир Насимовнинг катта футболдаги қарқини ҳам акс эттиришда умидворимиз. Хулоса шунки, Баҳодирга ўшаган иқтидорли йигитларнинг лайдо бўлаётгани футболчи келажаги порлоқлигидан далolat беради. Қолаверса, бу мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин самараси ҳамдир. Миллий тарма жамоаси учун муносиб авлодлар етишиб чиқаётган экан, унинг шонли галабаларига ҳам оз фурсатлар қолди, дейиш мумкин.

Ҳасан ШОШҲУЖАЕВ



Баҳарингиз бор, шу йил 6 февралда Москва шаҳрида ўтказилган профессионал бокс кечасида ҳамюрти Темури Ибрагимов танзанийлик Авад Тамиим учинчи раунддақ техник нокаутга учратиб, ИВА йўналиши бўйича ўта оғир вази тоифасида қитъаларо чемпионлик камарини қўлга киритди. Аслида, ўн икки раундлик беллашувда кимнинг қўли баян келса, икки йўналиш бўйича бўш қолган унвонларга эга-ли қилиши лозим эди. Аммо ундай бўлмади. Бунинг сабаби ва бошқа эътиборли жиҳатлар хусусида Темури Ибрагимов билан суҳбатлашдик:

Баҳодирнинг футболдаги истеъдодини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтқибўйи мамлакатлари чемпионулар ку-боги баҳсларини кузатган киши яхши билади.

1987 йилнинг 2 май куни Самарқанд шаҳрида тавалуд толаган Баҳодир ёшлигидан спортчи бўлишни ният қилган эди. Шу мақсадда дастлаб у спортнинг қаратэ тури билан шуғулланиди. Аммо "миллионлар ўйини"га бўлган иштиёқ усту-ни келиб, уни яшил майдон сари чорлайди. Ҳужумчининг ай-тишича, футболга кириб келиш-ида отасининг ҳам катта хис-саси бор. Чўки шу спорт тури-нинг ашаддий мухлиси бўлган ота ўғлининг футболчи бўлиши-ни хошлайдди. Илк сабақларни мураббийлар Каҳрамон Мама-тқулов, Алишер Латипов ва Камо Газаровдан олган Баҳодир май-доннинг олд чизигида ҳаракат қилишни ёқтиради. Гол уриш-га бўлган мойиллиги тўғрисида мураббийлар кўпинча уни ҳужум чизигида синаб кўришарди. Қолаверса, Баҳодирдаги юқори тезлик ва тўпга аниқ зарба бе-риш каби хусусиятлар ҳужум чизигида ишончли



ҳаракат қилишида асқотади. Шу тариқа ёш ҳужумчи "Динамо" клуби мураббийлари эътибори-га тушади ва 16 ёшда мазкур клубга қабул қилинади. Ушанда клубни Биродар Абдураимов бошқарди. Уринбосарлар са-фида товланган футболчи ора-дан бир йил ўтиб, асосий тар-кибга жалб этилди. Илк учра-шуларда, асосан, сўнгги дақи-қаларда майдонга тушгани учун 2004 йилнинг биринчи давраси-да унга гол уриш насиб этмади. Иккинчи даврада эса Баҳодир Олий лигадаги илк голини ни-шонлади. Ушанда у 17 ёшда эди.

Шундан сўнг олти мавсум "Динамо" жамоаси

# ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ

## ёш истеъдодларнинг маҳоратини оширишга боғлиқ

шарафини химоя қилган Баҳодир 50 дан ортиқ гол муаллифи бўлди. Унинг эътирофга сазо-вор яна бир хислати шерикла-рига голли вазиятларни яратиб беришидир. Ўтган мавсумда 10 бор рақиб дарвозасини аниқ нишонга олган ҳужумчи Ўзбеки-стон тарма жамоаси мураббий-лари эътиборига тушди ва Осиё чемпионати саралаш доираси-дан ўрин олган Малайзияга қарши ўйинга жалб этилди. Са-фарда бўлган бу бахсада ваки-лимиз ишончини оқлаб, рақиб дарвозасига тўп киритишнинг удрасидан чиқа олди. Ушанда учрашувнинг 58-дақиқаси эди. Қизғин, у ўзининг Олий лигада-ги илк голини ҳам учрашувнинг 58-дақиқасида кирит-

катимиз чемпиони либосида на-зорат ўйинларидаёқ ўзини кўрсата олди. Дастлаб Тошкен-та ўтган тайёргарлик давомида

### Эътироф

"Локомотив" ва "Металлург" клублари дарвозаларига урта гол киритган ҳужумчи асосий ўйинларда ҳам ўзини йўқотиб қўймади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кубоги баҳслари-да Молдованинг "Дачия", Арма-нистоннинг "Пюник", Литвани-нинг "Экранас" ва Туркменис-тоннинг МТТУ

кўриниб турибдики, футболчи-нинг иқтидори мутахассислар-ни бефарқ қолдырмади. Шу тариқа турнир қаҳрамо-ни бўлган Баҳодир Насимов "Рубин" тақлифини қабул қилиб, Қозонга йўл олди. Россиянинг амалдаги чемпиони таркибида Испанияда ташкил этилган йи-гинларда қатнашиб, мураббий-лар назарига тушган умидли футболчимиз куни кеча "Рубин" жамоаси билан уч йиллик шартномага имзо

қилиш таркибиде тўплаган таж-рибаси эса яқин келажақда тар-маимиз манфаати учун хизмат қилиши, шубҳасиз. Қизик жиҳати, Баҳодир На-симов машҳур футболчи Дэвид Бекхэм билан бир кунда тавал-луд толаган экан. Бундан таш-қари, уларнинг иккаласи ҳам профессионал клуб-

## СПОРТНИНГ ОЛАМИИ

# СИРЛИ

У она-юрт меҳрини, ватандошларининг оқибатини юрагига жойлаб, дунё кезмоқ, одамлар орасида Ватан қадри, садоқат туйғуси бугун қай даражада эканини ҳис этмоқ, кўзи билан кўрмоқ ниятида йўлга отланди. Олис сафарни амалга ошириш учун ўзи меҳр қўйган машғулоти — велосипед спортини танлади.

## Жаҳонгашта велосипедчи

Велосипедда жаҳонгашта-ликни орзулаб йўлга чиққан бу киши Косонсойнинг Чин-довул қишлоғида яшовчи Зо-ҳиджон Турсунов эди. Қозо-ғистоннинг бепойн чўллари, Украина, Беларусь, Туркия, Сурия, Иордания шаҳарлари, Эрон-нинг дашту биё-бонларидан ўтди. Ният эзгу бўлса, одамнинг кучига куч қўшилиб, ўзига ишончи ортар экан. Велосипеддаги сайёҳ етти ой давомида етти миң километр масофани Ўзбекистон байро-ғини гурур билан ҳилқират-ган ҳолда босиб ўтиб, кўпчи-ликни лол қолдирди.


диди "Ёшларга йўл" анжумани ўтказилаётган экан, унда қат-нашдим. Новороссийскдан Сочиға томон уюштирилган са-ёхатчиларга ҳамроҳ бўлдим. Туркияда қўллаб-қувватлаб ор-тириб, улар альбомини юрти-миз тасвиранган ранг-баранг су-ратлар билан тўлдирдим. Бела-руснинг Борисов-ка шаҳридаги уч-рашувлар, айниқ-са, эсда қолариб кетди. Ма-ҳаллий "Борисовские вести" газетаси саёхатини хусусидаги мақолани сурагим билан бир-га эълон қилди.

Дилбар АСҚАРОВА.

### Юрган — дарё

Юрган — дарё, дейдилар. Зоҳиджон ака сафар чоғи ўзга юртларда ҳам ажойиб дилқаш кишиларни учратди, уларга мустақил Ўзбекистоннинг бу-ғунги куни ҳақида ҳикоя қилди.

— Бир қатор шаҳарларда турли тадбирлар устидан чи-қиб қолдим. — дейди Зоҳид-жон ака. — Масалан, Екатеринбургда Металлургия институ-тида ёшларнинг фан ва таъ-лим соҳасидаги ҳамкорликла-рини қўллаб-қувватлаш мақса-



### Жаҳоннинг энг тез югурувчи эркек спортчиси ямайкалик Усейн Болтдир.

Уч қарра Олимпиада чемпионли-гига эришган Усейн Болт Олим-пиадасида 100 ва 200 метр масо-фага югуриш ҳамда 4x100 метр эс-тафета баҳсларида жаҳон рекорд-ларини қайд этган. Унинг 9,69 со-ния (100 м.), 19,30 сония (200 м.) ва Ямайка тарма жамоасининг эс-тафета (4x100 м.) беллашувидеги 37,10 сониялик кўрсаткичлари ҳозирча югуриш баҳсларининг энг юксак натижаси бўлиб турибди.

## Машғаладан беш ҳалқагача

Замонавий Олимпиада ўйин-ларининг жозибадор беш ҳал-қасини билмайдиغان одам бўлмас керак. Мазлумки, маз-кур халқдан илк бор 1920 йил-даги Олимпиадада мусобақа рамизи сифатида фойдаланил-ган. Унғача эса, яъни 1900-1920 йиллар оралиғида аркон торта-ётган спортчилар тасвири Олимпиада мусобақалари рами-зи саналган. 1896 йилдаги ўйин-ларда эса ловуллаб ёнаётган машғала ва Олимп тоғининг пурвиқор чўққиси тасвири иш-латилган.

Гал шундаки, моҳир ҳужумчи яқинда "Powerade" номили тангага қувват берувчи яхна ичимликнинг реклама ролиғида суратга тушди. Унда Руни икки қаҳрамонни гав-далантирган. Улардан бири оддий сув, иккинчиси эса "Powerade" ичимлигини ичди. Баҳс якунида эса қувватбахш ичимликни истеъ-мол қилган футболчи голиб чиқа-ди. Бу ролик кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Айтиш жоизки, "Powerade" яхна ичимлиги 1988 йил-дан бери ишлаб чиқарилади.

### Ажаб сирлар...



Профессионал боксда энг бўйи баян спортчи, ўйлаганимиздек, Николай Валуев эмас экан. Руми-ния шарафини химоя қилган Гогя Миту ундан баянроқ. Митунинг бўйи 223 см.га тенг. Валуев эса чемпионликка эриш-ган баян бўйи боксчидир.

### Руни Рунига қарши

Англия тарма жамоаси ва "Манчестер Юнайтед" клуби ҳужумчиси Уэйн Руни майдонда ўзига қарши ўзи тўп сурди.

Айтиш жоизки, "Powerade" яхна ичимлиги 1988 йил-дан бери ишлаб чиқарилади.

### Профессионал боксда энг бўйи чемпион бўлган Майк Тайсон ўзининг илк мағлубиятини 1990 йилда Япония рингиде қабул қилган. Ҳамюрти, америкалик Жеймс Бастер Даглас "Энгилмас Тайсон" лақабини олган боксчини мағлуб этиш-нинг удрасидан чиққан.

Футбол бўйича Аргентина тарма жамоаси ҳужумчиси Мартин Палермо 1999 йил-да ўтказилган Лотин Амери-кас кубоғида Колумбия тар-ма жамоаси томон белғилан-ган ўрта пенальтини амалга ошира олманган. Бундай қў-тилмаган вазиятлардан ўзини йўқотиб қўйган Аргентина тарма жамоаси, охири-оқибат, 0:3 ҳисобида мағлуб бўлган.

### Европа Чемпионлар лигаси баҳслари 1956 йилдан бунён мунтазам ўтказилиб келинади. Унда энг кўп галаба қозониш Испаниянинг "Реал" (Мадрид) жамоасига насиб этган. Тўққиз мартаба шохсупа-нинг юқори погонасидан жой олган мадридлиқларни яқин йиллар ичиде Италиянинг "Милан" жамоаси қувиб ўтиши мумкин.

Супероғир вазида чемпионлик камарини ўзида узоқ муддат сақлаб турган боксчи америкалик Жо Луисдир. У 11 йил мобайнида ушбу шарафли номни ҳеч қайси рақибига бой бермаган. Бу муддат оралиғида Луис камарни химоя қилиш учун 25 мартаба рингга кўтарилган.

АҚШнинг Миллий бекетбол ассоциацияси мусобақалари доими шиддатли курашлар остида кечган. Энг номдор ва бўйчан спортчилар айнан шу чемпионатда ўз маҳоратларини намоён қилишади. Хитойлик Сун Минмин нафақат АҚШда, балки жаҳон бекетболчилари орасида энг дароз ҳисоблана-ди. Унинг бўйи 236 см., оғирли-ги эса 152 кг.ни ташкил этади. С. ИСПОМОВ тайёрлади.

### Олимпиададаги ошпаз

Тарихчи Геродотнинг маълумот беришича, Олимпиада мусобақалари тарихидаги илк чемпион олимпиадалик Корэб исми ошпаз бўлган экан. У ми-лоддан аввалги 776 йили ўтказилган ўйинларда етти спорт тури бўйича голиб чиқиб, Олимпиада чемпиони сифатида бир ҳум қимматбахо шароб ва дафна япроқларини қўлга киритган.

Спорт мусобақалари-деги энг паст тезлик кўрсаткичи 1889 йил-нинг 12 августиде қайд этилган экан. Ушанда арқон тортиш беллашу-вида соатига 1,35 км. тезликка "эришилган".

Муаррихларнинг ёзиб қолдиришича, қадимги Грецияда "Муштар жани" ҳаддан ташқари чўзилиб кетса, ўзига хос "қисқа жанг"ларга ўти-лган. Яъни томонлар бира-бирининг зарбаси-ни очиб қабул қилиши-га тўғри келган. Қуръа кўра, биринчи бўлиб зарба берадиган "жанг-чи" аниқланган ва у ра-қибининг исталган тана қисмига мушт тушири-ши мумкин бўлган. Агар рақиб ўзин зарбасига чида бера олса, уриш навбати унга ўтган. Шу тариқа, то голиб аниқ-лангунгача очиб жанг ўтказилган.

Ҳасан ШОШҲУЖАЕВ тайёрлади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

1-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Хамидов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Болнев.  
Навбатчи — З. Худойшукуров.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турун» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 21.30

1 2 3 5